



ТАХЛИЛ, ҲАРАКАТ, НАТИЖА



ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

АНИҚЛИК ВА АСОС

қонунларнинг
халқчиллигини
таъминлайди

Аҳоли учун сифатли ва қулай муҳит яратиш — бу ислохотлар замиридаги бош мақсадлардан бири. Дарҳақиқат, қачонки одам муносиб шароитларда яшар экан унинг ишида унум ва барака бўлади. Бунда турли омиллар қатори коммунал хизматларнинг ҳам ўрни катта. Маълумки, бу тизимдаги масалалар асосан кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларни ташвишга солади. Чунки уларнинг кўпчилигида бошқарув сервис компанияларининг хизматидан норозилик кайфияти бор. Шу ва бошқа вазоратлар эса белгиланган тўловларнинг ўз муддатида амалга оширилмаслигига олиб келмоқда. Табиийки, мазкур ҳолатда қонуний чора кўриш амалиёти қўлланилмоқда. Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ушбу масалага тегишли бўлган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда илгари сурилган таклифлар, ўзгартириш ва қўшимчалар баҳс-мунозарарага сабаб бўлди. Келинг, дастлаб ташаббускорларнинг таклифларига тўхталамиз.

► (Давоми 4-бетда)

УНИВЕРСИАДА- 2025

МЕДАЛЛАРИМИЗ СОНИ ОШМОҚДА



17 июль кунидан эътиборан Германияда XXXII Бутунжаҳон ёзги Универсиада ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 119 мамлакатидан 5 мингдан ортиқ спортчилар иштирок этапти. Улар қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам аренадан муносиб ўрин олган.

► (Давоми 8-бетда)

ЎзХДП: ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилади

ЎзХДП ўз ташаббусларини амалга оширишда аҳоли, айниқса, ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлар манфаатлари устуворлигини илгари суради. Зотан, кучли жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлашга қаратилган ғояларга таянган партия дастури бутун жамият учун бирдек қизиқ ҳамда тааллуқли ҳисобланади. Чунки инсон ким бўлишидан қатъий назар таълим олади, соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилади, меҳнат фаолиятини юритади, оила қуради, фарзанд кўради ва ҳоказо. Шу ва бошқа ижтимоий масалалар эса мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга йўналтирилган сиёсатдир. Демак, партиямиз дастуридан ўрин олган ҳаётий ташаббуслар аҳамияти, ҳамюртларимиз турмуш тарзидаги ўрни ҳамда таъсири жуда долзарб.


Ўтган ҳафта охирида бўлиб ўтган партия Марказий Кенгаши пленумида ҳам бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури ижроси бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида олиб борилган ишлар, партия бюджети ижроси ва асосий кўрсаткичлари муҳокама қилинди. Пленумни партия Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов очиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, эҳтиёжманд фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатларга ечим топиш, янги таклиф-ташаббуслар билан чиқиш, партиянинг позициясини доимий мустаҳкамлаб бориш масалалари ҳақида сўз юритди.

► (Давоми 2-бетда)

ИНСОН ЎЗИНГ...

ЁЛҒИЗЛИК СИНДРОМИ:

замонавий
дунё янги хатар
билан юзма-юз
турибдими?



Жорий йилнинг июнь ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ижтимоий алоқалар бўйича комиссияси сайёрамиздаги ҳар олтинчи одам ёлғизликдан азият чекаётгани, бу уларнинг

саломатлиги ва фаровонлигига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақидаги илк ҳисоботни эълон қилди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар соатда Ер юзида юзга яқин одам ёлғизлик билан боғлиқ сабабларга кўра

вафот этади - бу йилига 871 мингдан ортиқ ўлим деганидир. ЖССТ Бош директори, доктор Тедрос Гебрейесуснинг таъкидлашича, инсониятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ёлғизлик ва ижтимоий изоляция долзарб муаммо тусини олмоқда.

“Ёлғизлик - бу ижтимоий алоқаларнинг исталган ва ҳақиқий интенсивлиги ўртасидаги номувофиқлик натижасида юзага келадиغان оғриқли тажриба, ижтимоий изоляция эса бундай алоқаларнинг объектив етишмаслигидир. Бугунги кунда мулоқот учун чексиз имкониятларга қарамай, тобора кўпроқ одамлар изоляция ва ёлғизликка дуч келишмоқда. Гўё дунё янги пандемия билан юзма-юз турибди”, дейилади ҳисоботда.

Глобал доирадаги ўрганишлар ижтимоий изоляцияга ўзини “маҳкум” қилаётганлар асосан ўсмирлар ва ёшлар эканини, шунингдек, паст даромадли давлатларда респондентларнинг 24 фоизи ўзини ёлғиз деб ҳисоблаши (бу юқори даромадли мамлакатларга нисбатан икки барабар кўп)ни кўрсатмоқда.

► (Давоми 6-бетда)

МОЗИЙГА НИГОҲ

АНУШТЕГИН КИМ БЎЛГАН?





ЎзХДП: ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилади

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, дунёда давом этаётган мураккаб вазиятга, турли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий моjarоларга қарамасдан, мамлакатимизда қатор ютуқлар, муҳим натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини изчил ислох этиш, жамиятимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига урғу берилди.

Таъкидландики, бугун мамлакатимизда парламентнинг ваколат доираси кенгайгани, сиёсий партиялар фракцияларига катта ҳуқуқ берилгани қонун ижодкорлиги, қонунларни ҳаётга самарали татбиқ этиш, қонун устуворлигига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада муаммо ва мурожаатларни ҳал қилиш жараёнларида партиямиз ташкилотлари, депутатлари, барча фаоллари муносиб иштирокчига айланди.

Партия етакчиси, шунингдек, 2025 йилнинг ўтган даври учун белгиланган вазифалар ижросига тўхталиб ўтди. Қайд этилишича, мўлжалланган иш режадаги устуворликлардан 37 таси тўлиқ амалга оширилган. Шундан 27 таси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия фракциясининг қонунчилик ташаббуси даражасида, 10 таси давлат органларига таклифларни тақдим этиш орқали бажарилган.

Қонунчилик ташаббуси доирасида 4 та қонун лойиҳаси тайёрланиб, кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Шу билан бирга, 5 та қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилган бўлиб, биринчи ва иккинчи ўқишда муҳокама қилинмоқда.

Маълумотларга қараганда, шу вақт оралиғида фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида 590 марта учрашув ўтказиб, жами 428 та хонадонга бевосита кириб борди. 20 минг нафарга яқин аҳоли вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этилди. Табиийки, мулоқотларда сайловчиларнинг хоҳиш-истаклари, режа ва мақсадларига қўлоқ тутилди, кўллаб масалалар ҳал этилди, ижрога йўналтирилди.

Худудий ташкилотлар ҳамда фракция ҳамкорлигида 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида муҳокама қилинди. Партия фаоллари ва кенг жамоатчилик томонидан билдирилган 100 дан ортиқ таклифдан қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланилди.

Яна бир муҳим масала депутатлик бирлашмаларининг Ҳаракат дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини такомиллаштириш, коммунал хизматлар сифати ва нархларини тартибга солиш каби 121 та устувор вазифа белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб бориляпти.

Қолаверса, партия Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш мақсадида 2800 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Айни пайтда уларнинг 1837 таси ёки 67 фоизи ижобий ҳал этилган. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 541 марта жойлардаги раҳбарлар ва мансбдор шахсларнинг ҳисобот ҳамда ахборотлари эшитилди. Қизгин муҳокамалардан сўнг электорат манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимида ҳам фаолият қизғин давом этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан бўлган 9064 та мурожаатнинг 8159 таси партия ташкилотлари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида ижобий ечим топганининг ўзи ҳам ишлар кўламини ифодалайди.

Пленумда эришилган натижалар ҳақида тўхталган партия раиси буларнинг ҳеч бири хотиржамликка асос бўла олмаслигини алоҳида таъкидлади. Аксинча, ҳали ҳануз партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида жиддий вазифалар тургани, айниқса, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларда қатъий позиция кўрсатиш, шу орқали амалий натижаларга интилишни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида халқ манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий тенглик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида муҳим вазифалар турибди.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, жойларда аниқ ва самарали иш тизимини шакллантириш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган устуворликлар бирма-бир санаб ўтилди.

Хусусан, партия ташкилотлари ўтказаятган акция ва тадбирлар натижадорлигини кучайтириш масаласига эътибор қаратилди. Жўмладан, парламент қўйи палатасида қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмасдан, электорат манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалаларни вазирлик-идоралар билан қатъий муҳокама қилишни такомиллаштириш зарурлигига урғу берилди. Шу билан бирга, аҳолини ўйлантираётган муаммолар юзасидан мунтазам позиция билдириб бориш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг ҳудудлар ривожига таъсирини кенгайтириш лозимлиги ҳақида мулоҳаза ва таклифлар илгари сурилди.

Таъкидландики, аввало, пленум ҳужжатларида қайд этилган камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳар бир худудий партия ташкилоти раҳбари томонидан чуқур таҳлил қилиниши лозим. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раислари камчиликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олиши керак.

Амалий Ҳаракат дастурининг 2025 йил иккинчи ярим йиллигида бажарилиши белгиланган вазифалар таҳлили асосида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш, Кенгашлар доимий комиссия ва сессиялари муҳокамасига масалалар киритиш орқали қабул қилинган қарорларнинг сифатли ва тизимли ижросини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Иккинчидан, фракция фаолиятида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини янада кучайтириш, айниқса, қонунлар ижросини қўйдан бошлаб назорат қилишга қаратилган парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмларидан фойдаланиш лозим. Бунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилиши талаб этилади.

Аҳоли, электорат билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, очиқ мулоқот

ва сайёр қабуллар орқали аҳоли ичига кириб бориш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга аниқ ечим таклиф этиш партиянинг жойлардаги таъсирчан куч сифатидаги мақомини янада оширади. Шўнинг учун халқ манфаатларини таъминлаш йўлида қонуний, ташкилий ва амалий ечимларни излашда партиянинг фаол иштироки таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг тегишли қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси сўзсиз бажарилишига эришишда парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг дастурий-мақсадли усулларига ўтиш даркор. Бунда партия кенгашлари ва гуруҳлари ҳужжатлар ижроси устидан назорат ишларини тизимлаштириши, кўрсаткичлар асосида амалий натижаларга эришиши керак бўлади.

Тўртинчидан, партия минтақавий кенгашлари “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали” ва “Менинг фикрим” платформасидаги аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларига дахлдор ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш ва уларнинг ижтимоий таъсирини баҳолаш орқали партия гуруҳлари ва маҳаллий ташкилотлар жамоатчилик билан

мунозара клубларини ташкил этиши партиянинг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ижтимоий масалаларда олиб борилаётган ишлар кўлами жуда кенг. Қувонарлиси, партиямиз бу жараёнда фақат иштирокчи бўлиш мақомидан воз кечиб, ташаббускор сифатида майдонга чиқмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари бирдек фаоллик кўрсатишга интилиши эса самарадорлик гарови, деб биламан.

Айтиш керакки, сенаторларимиз ҳам қараб тургани йўқ, албатта. Хусусан, ҳар бир худудда намунавий Кенгашлар ташкил этилган бўлиб, улар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса жойлардаги масалалар ечимигагина эмас, депутатлар ҳамда партия ходимларининг сиёсий билим ва кўникмаларини оширишга ҳам йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун Сенатда ташкил қилинган махсус марказда бевосита маҳаллий Кенгашлар аъзолари амалиёт ўташи уларнинг фаоллигини оширишга ҳисса қўшмоқда. Айтайлик, депутатларга режалар тақдим этиш, улар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш партиялар учун ҳам катта услубий ёрдам, деб ҳисоблайман.

Мисол учун, бюджет масалаларининг жойларда қандай муҳокама қилиниши, бюджетни шакллантиришда халқ манфаатини кўзлаган ҳолда таклифлар ишлаб чиқишда ташаббускор бўлиш каби жараёнлардаги фаолликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ҳамкорлик дастлабки босқичларда экани инобатга олинса, ҳали натижалар анча ўсишини кўриш мумкин.

Яна бир муҳим масала, жойлардаги учрашув ва мулоқотларда одамларнинг партиямизга бўлган қизиқишларини оширишдан иборат. Айниқса, ёшларни сафимизга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг қизиқишларини рағбатлантириш, режа ва мақсадларини қўллаб-қувватлашга кўпроқ урғу берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, эволюцион ғоялар, илғор фикрлар янги авлод вакилларида кўпроқ юз кўрсатади. Йигит-қизларнинг жасорати, интилувчанлиги ва ғайратидан унумли фойдалана олсак, сиёсий куч сифатида жамиятдаги ўрнимизни мустаҳкамлаймиз, деган умиддаман.

Пленумда кун тартибидagi масалалар юзасидан худудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар билан боғлиқ масалаларда пленум қарорлари қабул қилинди.

СЎЗ – ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!



Халилла ЕШИМБЕТОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

— Бугунги кун талаб қилаётган долзарб вазифалардан бири – маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланиш, халқ орасидаги ишончни янада мустаҳкамлашдир. Шундан келиб чикиб, асосий 4 та масалaga эътибор қаратиш муҳим, деб ўйлайман.

Аввало, маҳаллий Кенгаш депутатларида танқидий ёндашув ва ташаббускорликни шакллантириш зарур. Сабаби баъзи ҳолатларда кўрамиз, сайловчиларининг муаммоларини ҳал этишда қатъий позиция билдира олмаётган депутатлар

ЭЛЕКТОРАТИМИЗ БИЗДАН МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАҚИҚИЙ ҒАМХЎРЛИК КУТЯПТИ

ҳам бор. Партиямиз фракцияси парламентда муҳолифат сифатида Ўз позициясини белгилаб олдимиз, демак, бу жараёнда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам шунга мос равишда ҳаракат қилиши керак, назаримда.

Бу эса ҳар бир қарорни халқ манфаатлари асосида баҳолаш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш, аҳоли муаммоларини Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқиш демакдир. Масалан, Қорақалпоғистондаги партиямиз депутатлари томонидан танқидий таҳлил асосида 70 дан зиёд масала сессия кун тартибига олиб чиқилган, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўраямиз.

Навбатдаги муҳим масала жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш билан боғлиқдир. Бадамизки, халқ билан ишлашнинг асосий мезони — жамоатчилик назорати ва очиқ мулоқот ҳисобланади. Шундай экан, биз депутатлар жойлардаги ижтимоий объектлар фаолияти, адолатли таълим ва соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлиги, ижтимоий нафақалар



масалаларида жонқуярлик билан фаол иштирок этишимиз талаб қилинади. Хусусан, мунтазам сайёр қабуллар ўтказилиши, давлат органларига депутатлик сўровлари юбориш орқали масалаларга ечим топиш ҳамда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш кўлами кенгайтирилиши мазкур мезон талабларига мос келади.

Қолаверса, депутат салоҳияти ва сиёсий етукликни оширишга қаратилган чораларни кўриш ҳам кечиктириб бўлмас заруратдир. Чунки белгиланган вазифалар кўлами кенг ва бунинг натижадорлиги депутат салоҳияти, сиёсий иродасига боғлиқ. Баъзида шундай вазиятлар бўлаёттики, депутат сўрови юборишда илтимоснома ёки амалий ёрдам

кўринишидаги сўровлар ҳам кузатишмоқда. Ахир депутат сўровининг ҳам ўз техникаси, тартиб-тамойили бор. Ваҳоланки, депутатнинг салоҳияти, ҳуқуқий билимлари ва мурожаатлар билан ишлаш маданияти – партиянинг жамиятдаги обрўсини белгилайди. Шу мақсадда, депутатлар учун мунтазам таҳлил семинарлари, ҳуқуқий ўқувлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Муҳими, электорат орасида "депутат ким, у нима иш қилди?" деган саволларга ўрин қолдирмаслик учун ҳаракат қилиш зарур.

Ва ниҳоят сўнгги устуворлик, жамоатчилик билан алоқани кучайтириш партиянинг халқ орасидаги таъсирини белгилайди. Буни барчамиз жуда яхши тушунамиз. Шу боис, ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутати ўз сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлиши, уларнинг дард-у ташвишини эшитиб, партия орқали манфаатларини ҳимоя қилиши лозим. Жойларда очиқ мулоқот, фикр алмашинуви, ижтимоий масалалар бўйича муҳокамалар ўтказиш фаолият самарадорлигига хизмат қилишига ишончим комил.

Фикрим якунида айтишни истардимки, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари қўл кўтариб, тасдиқловчи эмас, балки халқнинг юрагидagi овозни давлат идораларига етказувчи, унинг ҳимоячиси бўлиши шарт. Зотан, халқ биздан шунчаки фаоллик эмас, масъулият ва ҳақиқий ғамхўрлик кутяпти.

ФАОЛ ИШТИРОК ВА ТАШАББУСКОРЛИККА ЎТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ



Зулфия ТҲҲЕВА, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси:

— Бугун биз яшаб турган сиёсий муҳитда халқ партиялардан шунчаки шиор ва баландпарвоз гаплар эмас, аниқ ҳаракат ҳамда натижа кутяпти. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун партиямиз – бу сўз эмас, умид, таянч ва ечим манбаи бўлиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, партия кенгашлари ўз вазифасини қайта кўриб чиқиши, фақат маърузалар ёки йиғилишлар ташкил қиладиган эмас, балки жойларда муаммони аниқлайдиган, таҳлил қиладиган ва ечимига кўмаклашувчи амалий иш юртиши талаб этилади. Бунинг учун партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган бир нечта жиҳатларни санаб ўтмоқчиман.

Бугун одамлар турмуш тарзи, даромади, хизматлар сифатининг яхшиланишини, бунда эса партиянинг амалий ёрдамини ҳис қилишни истаиди. Шунинг учун кенгашлар ҳаракат қилувчи, таъсир кўрсатувчи марказ бўлиши талаб этилади.

Айни пайтда, аҳоли муаммоси ҳақида гапириш эмас, уни ҳал этиш учун механизмни таклиф қилиш муҳим. Шу боис партиянинг ҳудудий кенгашлари танқид ва таҳлил қилиши, ташаббуслар таклиф этиши, жамоатчилик билан ишлайдиган таъсирчан органга айланиши кўзланган мақсадларга янада яқинлаштиради. Хусусан, муаммоларни аниқлаш-таҳлил қилиш-ечим ишлаб чиқиш-жамоатчиликка етказиш занжири

амал қилиши даркор. Бу аҳолига кўпроқ ёқади ва манфаатли бўлади.

Жамиятдаги муаммоларга муносабат билдириш керак, дейилади. Албатта, муносабат билдириши керак, лекин бу билан чекланмасдан депутатлик назорати ва бошқа таъсир қилиш механизмларининг ишлаши долзарблик касб этади.

Самарадорликка эришининг яна бир йўли сайлов округини партия учун жонли мулоқот майдонига айлантириш орқали амалга ошади. Муҳими, бу фақат расмий учрашувлар билан чекланмасдан, аҳоли дардини эшитиш, муаммоларни илдири билан аниқлаш ва ечим таклиф этиш жараёнига айланшида, деб ҳисоблайман.

Мисол учун, 2025 йилнинг биринчи ярмида вилоятимизда 452 дан зиёд фуқаро билан сайёр қабуллар ўтказилди, 1702 та мурожаат қабул қилинди, уларнинг 89 фоизга яқини ижобий ҳал этилди. Бу рақамлар ижобий, аммо халқ ишончи ва қутилаётган натижага эришиш учун етарли эмас. Биз ҳар бир округни партия ҳаётининг асосий нуқтасига айлантиришимиз шарт.

Энди муҳолифат масаласига тўхталмоқчиман. Сир эмаски, парламентдаги партиямиз фракцияси ушбу тамойилнинг амалий ифодасини намоён қилмоқда. Жойларда ҳам партия кенгашлари ва депутатлик бирлашмалари туман ва шаҳар ҳокимияти қарорларини таҳлил қилиши, ижро органлари мансабдор шахсларининг эшитувларини ўтказиши, депутатлар орқали муаммоларни кун тартибига кўтариши лозим. Ана шунда партиянинг ҳақиқий позицияси, кучи ва ташаббуслари намоён бўлади.

Партиянинг қанчалик кучли бўлиши эса фақат марказдаги қарорларга эмас, жойлардаги партия ташкилотлари қандай ҳаракат қиладиганига боғлиқдир. Агар кенгашлар халққа яқин бўлса, партия ҳам халққа яқинлашади. Кенгашлар муаммоларга ечим топса, партияга ишонч оради. Демак, партия кенгашлари ўзгаришининг, хусусан, сиёсий намоёнкорликдан – амалий таъсирга, пассив кузатувдан – фаол иштирокка, ташаббускорликка ўтиш вақти келди. Фақат шундагина партиямиз ҳақиқий ижтимоий кучга айланади.

РАҚАМЛИ МАЙДОН ИМКОНИАТЛАРИ ҒОЯЛАРИМИЗНИ КЕНГ ОММАГА ЕТКАЗАДИ



Шохрух ЎКТАМОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Бугунги кунда инкор этиб бўлмас бир ҳақиқат бор, яъни, инсонларни, керак бўлса, бутун бошли давлатларни ахборот бошқармоқда. Демак, сиёсий партиялар ҳам ушбу имконият кучидан энг максимал даражада фойдаланиши ҳаётий эҳтиёждир. Чунки партия фаолиятини самарали ташкил этишда ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Зеро, айнан ахборот олами замонавий дунёда сиёсий курашнинг асосий майдонидир. Шу маънода, партия ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаоллигини янги босқичга олиб чиқиш жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

Ушбу фикрга келишимнинг қатор омиллари мавжуд. Улардан бири ахборот майдонидаги фаолиятимизни тизимли йўлга қўя олмаётганимизда. Гап шундаки, бугун фикрни ким биринчи ва таъсирли етказса, жамият шу овозга қулоқ тутди. Аммо партиямиз ахборот майдонида тизимли фаолият етишмаяпти. Фақатгина анъанавий 40-50, нари борса 100 кишилик аудиторияли йиғилиш ва тадбирлар билан чекланиб қоляпмиз. Тўғри бундай тадбирлар ҳам керак. Бироқ миллионлаб инсонлар ижтимоий тармоқларда фаол бўлаётган

бу даврда партиянинг дастурий мақсадлари, депутатлар фаолияти ва амалий ташаббуслари кенг оммага таъсирчан ва тезкор етказилиши шарт, менимча. Асосийси, бу ишларга 1-2 кишигина эмас, барча бирдек бош қўиши талаб этилади.

Афсус билан айтишни истаганим яна бир жиҳат, кўпчилигимизда ташаббус ва таъсирчан позиция етишмаяпти. Ҳозирги кун сиёсий рақобати Telegram, Instagram ва Facebook орқали кечаётган бир даврда ҳалигача айрим кенгашларимиз ва депутатлар ижтимоий тармоқларда фаол эмас. Баъзилари бутунлай ташқи ахборот муҳитини кузатмайди. Шунинг учун ҳар бир туман кенгашининг расмий ижтимоий саҳифаси мунтазам ва сифатли юритилиши лозим. Видеоконтент, инфографика, тезкор баёнотлар орқали фаолият ёритилиши, депутатларнинг чиқишлари, ташаббуслари видеотасвирлар орқали халққа етказилиши ташвиқот жозибадорлигини оширади.

Кузатувларимга кўра, тарғиботда стратегик ёндашув ҳам анча оқсоқ. Ҳозирда бу жараён ойлик тарғибот режаси асосида олиб борилади. Биз бу услубни ўзгартириб, "бир ҳафта-бир мавзу-бир позиция" тамойилига ўтишимиз зарур.

Содда қилиб тушунтирсам, бу ҳар ҳафтада аниқ бир ижтимоий муаммо, фракция позицияси ва ечим таклифлари партиянинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан бир хил тарзда,

Сиёсий партия маънавият маркази эмас, балки таҳлил, ташаббус ва таъсир ўчоғига айланишига оид ғояларнинг ҳаётга кўчиши жуда сустр кечмоқда.

Ўйлайманки, ҳар бир депутат "бир муаммо – бир позиция – бир ечим" тамойилида ишлашини таъминлаш вақти келди. Ана шунда масалаларни чуқур таҳлил этиш, аниқ ечимлар илгари суриш, ижросини назорат қилиш механизми самара бера бошлайди.

Бундан ташқари, "медиада партия юзи"ни яратиш борасидаги камчиликлар ҳам кун тартибда турибди. Очигини айтиш керак, ушбу жараёнда ҳали аниқ бир ёндашув шаклланмаган. Айни пайтда партиянинг ахборот майдонидаги "шахсий юзи" мавжуд эмас. Бу – жиддий камчилик.

Ҳар бир вилоятда доимий равишда чиқиш қиладиган фаоллар, таъсирчан, нутқ маданиятига эга партия вакиллари шакллантирилмаган. Ваҳоланки, бу асосий вазифаси тарғиботдан, одамларни ўзига, ғояларига эргаштиришдан иборат бўлган сиёсий кучдан қутиладиган биринчи масаладир. Қачонки, партия "бир овоз, бир юз"га айланади, шундагина одамларда "бу ХДПнинг фикри", деган ишонч юзага келади.

Айтиш жоиз, партиямиз фаолиятини жонли тарғибот, таъсирчан позиция ва рақамли майдондаги фаол иштирок билан жамият онгига яқинлаштириш

БУТУН БОШЛИ ДАВЛАТЛАРНИ АХБОРОТ БОШҚАРМОҚДА. ДЕМАК, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАМ УШБУ ИМКОНИАТ КУЧИДАН ЭНГ МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИШИ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖДИР.

бир хил ахборот тилида халққа етказилади. Шу орқали жамоатчилик онгида партиянинг фикри ҳамда позицияси очиқ ва ишончли шаклланади.

Буларнинг барчаси замирида сиёсий фаолият тадбир билан эмас, натижа билан баҳоляниши керак, деган оддий ҳақиқат бор. Доим айтамиз, лекин негадир амалга ошириш қийин бўляпти.

имконига эга бўлаемиз. Тажриба кўрсатадики, фикрлар нутилади – натижалар эса ёнда қолади. Биз эса натижага ишлайдиган партия бўлишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Кўш саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

АНИҚЛИК ВА АСОС

қонунларнинг халқчиллигини таъминлайди

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг зарурати ҳақида гап кетганда баъзи ҳолатлар келтирилган. Хусусан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддасида ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибига оид нормалар белгиланган. Унга кўра, ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби қарздор жисмоний шахслардан маъмурий жарималарни, солиқ қарзини ва давлат божини ҳамда почта харажатларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатларига нисбатан татбиқ этилади.

Таҳлилларга қараганда, 2022 йил 1 июнь кунидан ишга туширилган Бюронинг ахборот технологиялари ёрдамида масофавий ишлайдиган туманлараро бўлимлари томонидан фуқароларнинг иштирокисиз ва мажбурий ижро ҳаракатлари ўтказилмасдан соддалаштирилган тартибда 2 100 000 та ҳужжат ижроси таъминланган. Бу жараён давлат ижрочиси томонидан ундирув қарздорнинг яшаш жойига ёки мол-мулки турган жойга бормаган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан масофадан туриб амалга оширилган. Яъни, СМС хабарнома юбориш, ундирувни қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисобварақларида турган пул маблағларига, иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш амалиёти қўлланилган.

Ташаббускорларнинг фикрича, бу тартиб ижро ҳужжатларининг соддалаштирилган ҳолда ижросини таъминлаш ҳисобланади. Натижада

самарадорлик ортади ҳамда Бюро органлари томонидан ортиқча вақт, куч ёки восита сарфланишининг олди олинади. Шунингдек, фуқаролар ҳамда ходимлар ўртасидаги келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоли ҳолатларни бартараф этиб, ижро жараёнида инсон омилини камайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мураккаб бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг яшаш жойига бориш амалиёти бекор қилиниб, қарздорга нисбатан таъқиқ ва чекловлар қўлламаган ҳолда ундирувни амалга оширишга имконият яратади.

Фракция аъзолари таклиф этилаётган ҳужжатнинг баъзи жиҳатларига эътироз билдирди.

— Биламизки, Мажбурий ижро бюроси томонидан ундириладиган жарималар давлат фойдасига йўналтирилади. Бошқарув сервис компаниялари эса хусусий ташкилотлардир ва бу тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин, — деди **Дилбар Мамажоновна**. — Иккинчи бир масала эса қарздорлик сони ва бу борадаги муурожаатлар билан боғлиқ. Маълумотларда келтирилишича, 31 442 та коммунал қарздорлик аниқланган. Аввало нега шу қадар кўп қарздорлик бор, деган саволларга жавоб излаш керак. Тўғри, бу вазифа қонун ташаббускорларига оид эмас, бироқ кўп ҳолларда бошқарув сервис компаниялари одамларни хабардор қилмайди. Яна бир муҳим жиҳати эса улар ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни унутиб қўйгани тўловларнинг кечикишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, тўловлар нимага сарфланаётганига оид ҳисобдорлик шаффоф эмас. Бу каби саволларнинг жавоби олинмасдан, ўшбу таклифни қўллаб-қувватлаш

қийин, албатта. Шу сабабли бошқарув сервис компаниялари вакиллари ҳам муҳокамаларда иштирок этиши лозим.

Ёддан чиқармаслигимиз керак бўлган жиҳатлардан яна бири шуки, таклиф этилаётган соддалаштирилган ундирув ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларнинг ҳаётини янада мураккаблаштириб қўйиши мумкин. Айниқса, пенсия, стипендия ёки нафақаларнинг бошқарув сервис компанияларига ўтказиб юборилишини жиддий ўйлаб кўриш лозим. Аслида бажарилмаган вазифалар учун тўловни амалга оширишдан бош тортаётган ҳамюртларимизни айблаб олмаيمиз.

Депутат Зулайҳо Акрамова ҳам электорат вакилларининг ҳуқуқларига алоқадор масалада савол берди. Яъни, ногиронлиги бўлган шахсларнинг пластик карталаридан пул ечиб олиниши уларни қийин аҳволга солиб қўйиши ва бу норозиликларга олиб келиши мумкинлигига урғу берди. Ваҳоланки, уларнинг бор-йўқ даромади ногиронлик нафақаси бўлиши мумкин.

Масъулларнинг таъкидлашича, мазкур амалиёт 2023 йилдан бошлаб жорий қилинган бўлиб, дастлаб пластик картадаги бор пул ечиб олинган. Бугунги кунда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 50 фоизидан ортиқ маблағ, масалан, карта ҳисобида 600 минг сўм бўлса, унинг 25 минг сўми қарздорликка йўналтирилади. Асосийси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги рўйхатида турган пенсия олувчиларнинг даромадларига тегилмайди. Фақатгина ёшга доир нафақалар ҳисобидан маблағлар ундирилади.

Депутатларга кўра, соддалаштирилган усул ёрдамида

ЁДДАН ЧИҚАРМАСЛИГИМИЗ КЕРАК БЎЛГАН
ЖИҲАТЛАРДАН ЯНА БИРИ
ШУКИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН
СОДДАЛАШТИРИЛГАН
УНДИРУВ ИЖТМОИЙ
ҲИМОЯГА ЭҲТИЁЖМАНД
КИШИЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ
ЯНАДА МУРАККАБЛАШТИРИБ
ҚЎЙИШИ МУМКИН. АЙНИҚСА,
ПЕНСИЯ, СТИПЕНДИЯ ЁКИ
НАФАҚАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ
СЕРВИС КОМПАНИЯЛАРИГА
ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛИШINI
ЖИДДИЙ ЎЙЛАБ КЎРИШ
ЛОЗИМ.

ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланиши яхши. Бироқ бошқарув сервис компаниялари ҳисобига автоматик тарзда пул тушиши уларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик каби оқибатга олиб келяпти. Натижада томонларнинг тенглигини таъминлаш тамойили бузилмоқда. Шундан келиб чиқиб, тегишли тартибда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳам инобатга олиниши кераклиги қайд этилди.

Фракция аъзоси Шарофиддин Назаров мунозаралар асосида умумий фикрини баён қилди. Гап шундаки, амалдаги ҳолатда жисмоний шахслардан маъмурий жарималар, солиқ қарзи, давлат бож, почта ёки ижро ҳужжатлари ва бошқа харажатлар белгиланган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг 43¹-моддасининг иккинчи қисмида эса шунингдек, кўп квартирали уйлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлар бўйича қарздорликини ундириш ва базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларига нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилган. Табиийки, айти шу меъёр фракция аъзоларининг эътирози ҳамда саволларига сабаб бўлди.

Депутат ўшбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида савол билан кўмигага юзланди. Яъни, мазкур ўзгартириш қайси

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат асосида қонунга киритилаётгани ҳақида тушунтириш сўради. Бироқ маълумотлар тақдим этилмади. Вақт берилса, ўшбу масалага аниқлик киритилиб, жавоб қайтарилиши таъкидланди. Бу эса баъзи депутатларнинг концепцияни маъқулламаслигига сабаб бўлди. Шунга қарамадан, қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди.

Бу сафар лойиҳа маъқулланди

Йиғилишда, шунингдек, “Расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этиш керакки, Қонунчилик палатасининг ўтган мажлисида фракциямиз қонун лойиҳасига айрим асосли эътирозларини билдирган, шундан кейин лойиҳа қайта ишлаш учун масъул кўмигага қайтарилган эди.

Фракциямиз қонун лойиҳаси бўйича, жумладан, расмий статистика соҳасида ваколатли органнинг белгиланмаганлиги, расмий статистикани тайёрловчи сифатида киритиш Миллий статистика кўмитаси томонидан белгиланган мезонлар асосида амалга оширилиши ҳақидаги меъёр ҳуқуқий жиҳатдан асосланмаганини таъкидлаган эди.

Бу сафарги мажлисда ишчи гуруҳи томонидан Халқ демократик партияси фракцияси таклифлари ҳисобга олинган, қонун лойиҳасига асос бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта инвентаризациядан ўтказилгани, расмий статистикани тайёрловчи сифатида киритишни назарда тутувчи қўшимча ваколатлар, мезонлар аниқлаштирилгани билдирилди.

Ташаббускорлар фракциямиз аъзоларига қонун ижодкорлигидаги фазл иштироки учун миннатдорлик билдирди. Атрофлича муҳокама-лардан кейин депутатлар қонун лойиҳасини маъқуллади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



ДАВРА СУҲБАТИ

ИЖТМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ

БАРЧАГА ТЕНГ ЕТИБ БОРЯПТИМИ?

Янги Конституциямизда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган. Хусусан, Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деган тамойил ҳуқуқий мустақкамланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ меъёрлар уч баробарга ошди. Зеро, “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур ғоянинг түб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан бу борада қатор лойиҳалар, амалий дастурлар йўлга қўйилган бўлиб, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ана шулардан бири жойлардаги мониторинг тадбирларидир. Яқинда Марказий Кенгашнинг 2025 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ахволини ўрганиш натижалари юзасидан жамоатчилик мониторинги ташкил этилди. Ўрганиш натижалари видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган давра суҳбатида муҳокама қилинди. Унда партия Марказий Кенгаши ходимлари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда туман ва шаҳар кенгашларидан фаоллар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг масъуллари иштирок этди.

Асосий мақсад — аҳолининг давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жумладан, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги амалий ишлар ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифларни илгари суришдан иборат бўлди.

Мулоқотда **ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Мавжуда Ҳасанова** мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб бермоқда, — деди у. — Конституциямизнинг 46-моддасида пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгилангани ҳам юртимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун эканлигининг амалий ифодасидир.

Шу билан бирга, ижтимоий давлат тушунчасига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Натижада ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари 2 бараварга оширилди.

Тадбирда, шунингдек, аниқлаган факт ва рақамлар, маҳаллий ижтимоий ҳимоя муассасалари ва фуқаролар муурожаатлари асосида ўрганилган муаммо ва таклифлар юзасидан назорат-таҳлил ўтказилган ҳудудлар вакиллари ҳам ўз муносабатини билдирди.

— Ўрганиш натижасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Бухоро вилоятидаги 922 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинаётгани маълум бўлди, — деди **ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шохиста Набиева**. — Уларнинг 147 нафари йил бошидан рўйхатга киритилган, 64 нафари эса чиқарилган. Шунингдек, 91 нафар ассистент фуқароларга тиббий кўрикдан ўтказиш ва уй-рўзғор ишларида ёрдам кўрсатиш учун бириктирилган. 523 нафар ёлғиз кишилар эса компенсацион нафақалар билан қамраб олинган.

Шунга қарамадан, жойлардаги таҳлиллар, маҳаллий ижтимоий ҳимоя муассасалари ва фуқаролар муурожаатлари асосида баъзи муаммолар аниқланди. Жумладан, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олиш учун баъзи ишсиз фуқаролар иш

ҳақини сохталаштираётгани маълум бўлди. Ана шундай ҳолатларда фақатгина ҳужжатга қараб эмас, ҳақиқий яшаш шароити ўрганилган ҳолда қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Баъзи ҳолларда эса камбағал оила бошқа туманга қўнганида индивидуал режалар бажарилмай қолаётгани ҳам бор гап. Шунинг учун махсус платформа орқали оила манзили ўзгариши билан бирга уларнинг режа ва масъулларини ҳам ўзгартириш автоматик равишда амалга оширилиши керак, назаримизда. Акс ҳолда, одамларнинг сарсонгарчилигига йўл очилади.

Айтишни истардимки, ижтимоий хизмат кўрсатишда ННТ, волонтер ва касаба уюшмалари иштирокини ошириш заруратга айланди. Бунинг учун ижтимоий хизмат кўрсатувчи ННТлар рўйхатини шакллантириш, “маҳалла–ёшлар–ижтимоий ҳимоя” форматига волонтер гуруҳларини ташкил этиш ҳамда уларга “ижтимоий хизмат гувоҳномаси” бериш амалиётини жорий этиш масалага ечим бўлади, деган фикрдаимиз. Муҳими, маҳаллий ижро органлари, ННТ ва касаба уюшмалари ўртасида доимий мулоқот платформасини ташкил қилиш лозим.

Суҳбат давомида маълумотлари тақдим этилган навбатдаги ҳудуд Фарғона вилояти бўлиб, у ерда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар сони 2 015 нафарни ташкил этиши таъкидланди. Таҳлилларга кўра, уларнинг 986 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган ва 1 156 нафари беопул дори-дармон билан таъминланган.

— Ўзгалар парваришига муҳтож, ёши улуг шахслар аниқланди, белгиланган тартибда “ёлғиз кекса” реестрига олинган, — дейди **Ўзбекистон ХДП Дангара туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Зиёдахон Ҳамролиева**. —Муҳими, ҳамюртларимизга ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, 7 587 нафар 80 ёшдан ошган кекса, 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болага

қаровчи аҳоли вакиллари рўйхатга олиниб, иш стажлари ҳисоби юритила бошлаган. Бу эса аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Аммо иш бор жойда камчилик ҳам, ечимини кутаётган масалалар ҳам топилади. Шу маънода, баъзи таклифларимизни илгари сурдик. Масалан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган I гуруҳ ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналарни руҳий ва психологик соғломлаштириш мақсадида йилига бир маротаба санаторийларга юбориш лозим, деб ўйлаймиз. Бу орқали оилада соғлом муҳит барқарорлигини сақлашга эришилади.

Бундан ташқари, ёлғиз қолган чин етим болаларни яшаш, ўқиш (профессионал) тўлов-контракт харажатларини қоплаш мақсадида “Ёшлар дафтери” жамғармаси хизматлари рўйхатига киритиш керак. Тўғри, ота-она ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нима боса олмайди. Лекин улардан айрилиб қолган йигит-қизларнинг тушунлиқка тушиб қолмаслиги, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва жамиятга фойда келтиришига кўмаклашиш имкониятини ишга солиш мумкин, деган фикрдаимиз. Бунинг йўлларида бири эса ўқитиш, касб-хунарли бўлишига ёрдамлаштириш иборатдир.

Давра суҳбатида юртимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида эътироф этилди. Очик ва самимий руҳда ўтган тадбирда ўзгалар парваришига муҳтож кексаларни белгиланган тартибда реестрга олиб, уларга ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамлар кўрсатиш муҳокамалар марказида бўлди. Таклифлар ўртага ташланди ва вазифалар белгилаб олинди.

Зилола АНВАР қизи.



ЎЗХДП: ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

ЁШЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Мухлиса ҒАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси

Бугун жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва тараққиётида ёшларнинг, хотин-қизларнинг фаоллигини, қолаверса, саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу йўналишда ўзининг аниқ ва манзилли ташаббуслари билан иштирак этаётгани эътирофга молик, албатта.

Айни шу мақсадда ЎЗХДП Марказий Кенгаши томонидан республикаимиз бўйлаб “Саломатлик мактаби” лойиҳаси доирасида кенг қамровли тадбирлар ташкил қилинмоқда. Ушбу лойиҳа тадбирларининг галдаги манзили Наманган вилояти бўлди.

Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” спорт мажмуасида ўтказилган учрашувда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, уларни жисмоний фаолликка жалб қилиш, энг асосийси, ўз саломатлигига масъулиятли муносабатни шакллантириш масалаларига урғу берилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар саломатлиги, сиёсий ва ижтимоий жараёнлардаги фаоллиги – бу партияимиз ғоявий йўналишининг ажралмас қисмидир, - деди ЎЗХДП

Наманган вилоят Кенгаши раиси Илҳом Атабоев: - “Саломатлик мактаби” лойиҳаси орқали биз соғлом жамият сари ҳаракат қилмоқдамиз. Бу лойиҳа фақат пиёда юриш ёки спортни тарғиб қилиш билан чекланмайди, у онгни, тафаккурни, яшаш фалсафасини соғломлаштиришдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилади.

Лойиҳа давомидида “Саломатлик учун 10 минг қадам” шиори остида оммавий юриш марафони, спорт мусобақалари, интерактив тиббий маслаҳатлар, соғлом овқатланиш ва профилактик хизматлар бўйича тарғибот тадбирлари уюштирилди.

Наманган шаҳар ҳокими Анваржон Отаходжаев ёшлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг спорт, рақамли инфратузилма, таълим ва тадбиркорлик йўналишларидаги имкониятлари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Тадбир якунида фаол иштирокчилар рағбатлантирилди, улар томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар асосида ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари устида ишлаш режалаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят Кенгаши томонидан Косонсой туманидаги “Соҳил” оромгоҳида “Медиа саводхонлик лагери” лойиҳаси ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар билан медиа оламидаги реал таҳдидлар ва имкониятлар ҳақида очиқ суҳбатлашди.

- Медиа саводхонлик – бу фактни фейкдан ажрата олиш, аниқ манба танлай билиш, ижтимоий тармоқларда масъулиятли иштирак этиш демакдир. Бизнинг партияимиз ёшларни ана шу фазилатлар билан қуроллантириш тарафдори, - деди ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи М. Низомидинов.

Машгулотларда ёшлар медиа воситалар билан ишлаш, ахборотни таҳлил қилиш, ёлғон хабарларни аниқлаш ва ижтимоий тармоқларда маданиятли мулоқот юриштиш бўйича кўникмаларга эга бўлдилар.

“Саломатлик мактаби” ва “Медиа саводхонлик лагери” лойиҳалари партияимизнинг ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашдаги янги ёндашувини кўрсатади. Ушбу ташаббусни келажак бунёдкорларини тарбиялаш, соғлом ва фаол фуқаролик жамиятини барпо этиш сари қўйилган ишончли қадам дейиш мумкин.

ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ ИНСОНЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗДА



Шахло ХУДОЙҚУЛОВА, ЎЗХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши бўлим бошлиғи

Юртимизда “Инсон қадри учун” ғояси асосида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қоғалатлаш, сифатли таълим ва тиббий хизмат, болалар, хотин-қизлар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш йўлидаги ислохотларнинг қамрови ҳамда самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 декабрда қабул қилинган “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга чиқаришда дастуруламал бўлаётир.

Қарорда эҳтиёжманд қатлам вакиллари аниқлаш тартиб-тамоилларини оптималлаштириш ва рақамлаштириш, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахсларнинг саломатлиги ва турмуш сифатини яхшилаш орқали уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган. Бу жараёнда шаффофликка эришиш ҳамда инсон омилини қамайтириш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот хизмати жорий этилгани айни мuddо бўлди.

Айтиш ўринлики, эҳтиёжманд қатламларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам бериш тартиби рақамлаштирилгани ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида бугунги кунда мавжуд 847 минг 350 та оиланинг 232 минг 248 тасига ёки 27.4 фоизига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали болалар нафақаси ҳамда моддий ёрдам тайинланди.

Камбағаллиқни қисқартириш, ишсиз аҳоли вакиллари учун даромад манбаини яратиш

чора-тадбирлари самараси ўлароқ шу йилнинг бошида ҳудудимизда 9 минг 757 та оиланинг ижтимоий аҳволи яхшилангани аниқланди. Жумладан, 8 ярим мингдан зиёд оиланинг даромади белгиланган мезондан ошди.

Бундан ташқари, юқоридаги қарор ижроси доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

ЎЗХДПдан вилоят ва туман кенгашларига сайланган депутатлар томонидан аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларда, олиб борилаётган ўрганиш ишларида бу йўналишда эришилаётган салмоқли натижалар қаторида долзарб вазифалар ҳам ўз ечимини қутаётгани маълум бўлмоқда.

Биринчи навбатда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини, соҳадаги янгиликларни аҳолига, айниқса, тоғли ва узоқ манзилларда яшовчи фуқароларга етказиш зарурати сезилапти.

Бундан ташқари, ногиронлиги бор шахсларни электрон юритмали махсус аравача билан таъминлаш кўрсаткичлари талабга жавоб берса-да, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини муҳтожларга етказиб бериш жараёнини яхшилаш кун тартибидagi асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида 11 нафар мутахассисдан иборат ягона психологик-тиббий-педагогик комиссия ташкил этилди. Мазкур комиссия ҳар ҳафта жойларга чиқиб, сайёр қабулларни йўлга қўйса, халққа яқинлашса, имконияти чекланган ҳамюртларимиз учун ҳар тарафлама қўлай бўлар эди.

Яна бир масала. Ҳозирда ИХМанинг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи томонидан ижтимоий тармоқларда фаол видеомулоқотлари бўлиб ўтмоқда. Интерактив шаклдаги бундай мулоқотларни маҳаллий теле ва радиоканалларда ҳам ташкил этиш зарурати ҳақида муҳожаатлар келиб тушапти. Чунки кўп ҳолларда ногиронлиги бўлган фуқаролар телевизор ва радио воситалари орқали ахборот оладилар.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфидagi кексалар ва ногиронлиги бор шахсларни санаторийларга йўлланма учун навбатга олиш “ИХМА Санаторий” модули орқали амалга оширилмоқда. Бунда пенсионерларга уч йилда бир марта бепул йўлланма олиш имконияти мавжуд. Кекса-нуронийларимиз билан учрашганимизда улар санаторийларда бепул йўлланма асосида уч йилдамас, икки йилда бир дам олишга боришни исташларини кўп таъкидлайдилар.

Биз, халқ вакиллари тегишли ташкилот-идораларга етказиб, ижтимоий ислохотларнинг натижадорлиги ва манзиллилигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Токи, вилоятимизда ҳеч бир эҳтиёжманд инсон ижтимоий қўллаб-қувватлашдан четда қолмасин.



Акбар САНДИЕВ, ЎЗХДП Сирдарё вилоят Кенгаши бўлим бошлиғи

2024 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашида депутатлик ўринларидан 9 тасини, туман ва шаҳар Кенгашларида 45 тасини ЎЗХДП номзодлари эгаллади. Жорий йилнинг биринчи ярми мана шу депутатларимиз учун ўзига хос синов даври бўлди, дейиш мумкин.

ЯРИМ ЙИЛ — депутатлар учун синов даври бўлди

Депутатларимиз ўз сайлов округларида электротат билан фаол мулоқотни йўлга қўйиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мавжуд муаммоларни ўрганиш орқали оддий одамлар манфаатига хизмат қиладиган, уларда ислохотлардан розилик ҳисси ошишига туртки берадиган таклиф-ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларимиз томонидан вилоят бўйича ўтган даврда давлат идоралари ва ташкилотларга 145 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Бу сўровларнинг 97 таси, яъни, 67 фоизи ижобий ечимини топди.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ташкил қилинган Жамоатчилик қабулхоналарига 325 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг тўқсон фоизга яқинида кўтарилган муаммолар амалий якунига етказилди. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия

гуруҳларида 23 та масала, доимий комиссияларда 32 та масала, сессияларда 23 та масала тегишли тартибда кўриб чиқилди.

Шунингдек, депутатлик гуруҳлари ҳамда ЎЗХДП Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида жойларда сайёр қабуллар ташкил этилиб, фуқароларнинг таклиф-истаклари ўрганилди.

Депутатлик гуруҳлари томонидан партия электротати манфаатларига оид масалалар – ичимлик суви таъминоти, соғлиқни сақлаш, мактаб ва мактагача таълим соҳаларини, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, йўлсозлик, дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини тартибга солиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, болалар ногиронлигининг олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ дастурларининг жойлардаги

ижроси изчил ўрганилмоқда.

Аниқланган камчиликлар сессия кун тартибига киритилиб, уларни бартараф этиш бўйича депутатлик назорати ўрнатилмоқда.

Ҳар бир миллат ва давлатнинг эртаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг салоҳиятига, шижоатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода мамлакатимизда ёшларни, миллат тарбиячиси саналган хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги ислохотларнинг қамрови ва суръати ошиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Айни жараёнда ЎЗХДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ҳам ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича 50 дан ортиқ лойиҳалар, форумлар ташкил этилди. Мисол учун, “Сафимиздаги ёшлар” лойиҳаси навқирон йигит-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадларини кўзда тутса, маҳаллалар кесимида ўтказилаётган депутатлар

ва ёшлар учрашувлари ўсиб келаётган авлод вакиллари билан ўзаро фикр алмашиш, таклиф-муаммолари билан яқиндан танишиш ва уларга манзилли кўмак кўрсатишда қўл келмоқда.

Шунинг баробарида шаҳар-туманларимизда партияимиз ташаббускорлигида “Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ойлари”, “Саломатлик акцияси” “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган опа-сингилларимизни барқарор иш билан таъминлаш, уларни касб-ҳунар ўрганишга жалб этиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари” лойиҳалари амалиётга татбиқ қилинди.

Бундай тарғибот-ташвиқот тадбирлари вилоятимизнинг юзлаб ёшлари учун янги имкониятлар эшигини очаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўнлаб аёлларимиз ҳаётида яхши ўзгаришларга олиб келаётгани чиндан ҳам фахрланишга арзийди.

Дарҳақиқат, депутатларимиз ўз сайловчилари ишончини, умидини оқлашга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида уларнинг “овози” бўлишга астойдил интилмоқда, десак янглишмаймиз.

ИНСОН ЎЗИНГ...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Кизиқ гипотеза. Бугун инсоният юксак тафаккур, илм-фан орқали ақлбовар қилмас кашфиётларда шиддат билан давом этмоқда. Ҳар бир ихтиро, рақамли технологиялар ҳаётимизни қўлайлаштириш “даъво”си билан турмуш тарзимизга сингиб кетаётир. Бироқ мутахассислар айнан ушбу воситалар жамиятда инсоний алоқаларни заифлаштириб, ижтимоий муносабатларга даҳл қилаётганини таъшишли сигнал сифатида кўрсатмоқдалар. Бир қарашда оғриқлари сезилмайдиган, аслида инсонлар ва уларнинг бугуни, келажаги, орзу-мақсадлари учун жиддий ҳалокат саналган хатар – ёлғизлик муаммоси юзага қалқиб чиқаётир.

ЧИНДАН БУ ХАВОТИРЛИМИ?

Инсоннинг оилада ва жамиятда ўзини руҳан ёлғиз ҳис қилиши ижтимоий изоляцияга олиб келади. Узоқ ижтимоий изоляция худди яра газак олгани каби, одам организмдаги мувозанатни буза бошлайди. Ўрганиш ва тадқиқот ишлари ёлғизлик инсон мияси ва бошқа ички органларнинг “қариши”ни тезлаштириши ҳамда ўлим хавфни 50-70 фоизга оширишини кўрсатапти. Ёлғизлик, ижтимоий муносабатларнинг йўқлиги инсонга алкоголь ва тамаки маҳсулотларидан-да кучли салбий таъсир қилиши аллақачон илмий тасдиғини топган.

Яна бир хавотирли факт. Дунёда суицид бўйича биринчи ўринда турадиган Японияда бир йилда 30 мингдан ошиқ одам ўз жонига қасд қилар экан. Қўрқинчли рақам, тўғрими?! Бунинг сабаблари таҳлил этилганида, япон жамиятида асосан ёлғизлик, яъни, бошпанаси ва иш-жойи, даромади тайин, лекин оиласи йўқ ёки оиласидан алоҳида яшаш, турли қийинчиликлар қаршисида ўзини якка ҳис қилиш руҳий бузилишга олиб келаётгани, бундай вазиятдан қўтулишнинг ягона чораси сифатида суицид танланаётгани аниқланди.

Шу ерда диққатингизни бошқа бир ҳақиқатга қаратсак. Таассуфки, суицид ҳолатлари бизнинг ҳам жамиятини четлаб ўтаётгани йўқ. Ва бу жиноят турининг ўсмирлар ва ёшлар орасида учраётгани янада ачинарли. Ахир ўсмирлик ва ёшлик – умрнинг энг тотли орзулар фасли. Дунёни ёрқин рангларда кўриши керак бўлган

ЁЛҒИЗЛИК СИНДРОМИ: замонавий дунё янги хатар билан юзма-юз турибдими?

Йигит ёки қизнинг яшаш ўрнига қасддан ўлимни танлаши жуда кўп омилларга боғлиқ, албатта. Аммо, юқорида келтирилган далилларга таянадиган бўлсак, ўсмирларнинг, ёшларнинг ижтимоий изоляцияга тушиб қолиши уларни ҳаётнинг арзимас қийинчиликлари қаршисида ҳам руҳан ожиз қилиб қўяётганини англаш мумкин.

БОЛАНГИЗНИ ЎЗ “ДУНЁСИ”ДАН ҚУТҚАРИНГ!

Одатда индивидуалистик хулқ-атвор (ҳамиша шахсий “мен”ини устун қўйиш) ва қарашлар оммалашган жамиятлардан фарқли равишда бизнинг миллий характеримизда оила ва оилавий анъаналарни қадрлаш, маҳалла-қўй, жамоатчиликка интилиш муҳим ўрин тутуши – бу энг катта ютуғимиз. Яхши кунимизда ҳам, оғир дамларимизда ҳам эл-улусга суянамиз. Айниқса, ҳар биримиз учун оиланинг ўрни бўлақча. Маънавий қадрият даражасига кўтарилган бу ҳаётий кўникмалар бугун халқро ҳамжамиятлар “янги пандемия” деб баҳолаётган ёлғизлик синдромининг олдини олиш ва унга қарши курашишда энг самарали чора аслида. Лекин янги давр – тўртинчи саноат инқилобига қадам қўяётган жамиятимизда бу маънавий қадриятларимиз аста-секин ўзимизга сездирмай ҳаётимиздан чиқиб кетаётганга ўхшайди. Шундай эмасми? -Сўнги йиллардаги кузатишларим ва иш тажрибамдан

келиб чиқиб айтаманки, жамиятимизда инсонларда руҳий оғиш ҳолатларининг аксарияти ҳаёт йўлларида ва кўпинча ёлғизлик ҳисси тўфайли ортирилмоқда, - дейди Республика руҳий касалликлар клиник шифохонаси бош ҳамшираси, олий тоифали мутахассис Муяссар МИРЗАЕВА. – Бир мисол келтираман. Кўп бўлмади, клиникамизга ўсмир ёшдаги болани даволатиш учун ташлаб кетишди. Ўқиши яхши, хулқи туппа-тузук бўлган бола феъл-атвори кескин ўзгарган. Эрта-ю кеч ўз хонасидан чиқмай, интернет ўйинларига муккасидан кетган. Ота-она кун бўйи ишда, бола билан мулоқот қилмасликлари оқибатида ундаги ўзгаришларни аввалига сезишмаган. Натижада бола шундай аҳволга келганки, ҳеч кимга бўйсунмай қўйган. На вақтида овқатланиш, на вақтида ухлаш, мактабга бориш – ота-онаси буларнинг ҳеч бирини болага қилдира олмаган. Компьютерни тортиб олишса, боланинг жазавига тушиши, ўзини ғалати тутуши ўнганмаган. Бола тиббий-психологик ёрдамга муҳтож бўлиб қолган.

Нима демоқчиман? Бугунги кунда руҳий бузилиш ҳолатлари жадаллик билан ёшариб бормоқда. Беморларимиз орасида 4-5 ёшли боладан тортиб, навқирон йигит-қизлар салмоқли қисмини ташкил этади.

Албатта, интернет, ижтимоий тармоқлар, хоҳлаймизми-йўқми, ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Аҳборот олиш ва алмашишда бу воситалар фойдали, лекин

Яхши кунимизда ҳам, оғир дамларимизда ҳам эл-улусга суянамиз. Айниқса, ҳар биримиз учун оиланинг ўрни бўлақча. Маънавий қадрият даражасига кўтарилган бу ҳаётий кўникмалар бугун халқро ҳамжамиятлар “янги пандемия” деб баҳолаётган ёлғизлик синдромининг олдини олиш ва унга қарши курашишда энг самарали чора аслида.

уларнинг яширин хавф-хатарлари инсонлар дунёқараши ва тарбиясига, жумладан, руҳиятига ҳам таъсир кўрсатаётганини унутмаслик керак. Эндигина физиологик ва психологик шаклланаётган болаларни замонавий технологиялар қаршисида ёлғиз қолдирмаслик шарт. Ижтимоий изоляция айнан шундан бошланяпти, назаримда.

Оилада фарзандлар ва ота-она ўртасидаги мулоқот тўғри йўлга қўйилса, болалар руҳияти ҳамда тарбиясида оғиш бўлмайди. Болага меҳр кўрсатишда ёки, аксинча, қаттиққўллик қилишда меъёр бўлмоғи лозим. Ортиқча меҳр ва аяш болада стрессларга чидамлилиқни ривожлантирмаса, ҳаддан зиёд тежаб-тергаш уни маҳдуд қилиб қўяди – ўз “дунёси”га беркиниб олади. Ёшларимиз ёлғизлик синдромига чалинмаслиги, руҳий бузилишлар ва суицид ҳолатларининг олдини олиш учун уларни ана шу “дунёси”дан қутқаришимиз керак!

ЭХТИМОЛ, УЛАР ЁНИМИЗДАДИР

CNN нашрининг ёзишича, ҳар йили минглаб жанубий кореяликлар оиласи ва дўстларидан узилиб қолиб, ёлғизликда вафот этади. Уларнинг жасадларини топиш учун баъзан бир неча кун ёки ҳатто ҳафта керак бўлади.

Бу ҳодиса корейс тилида “годокса” деб номланади ва у мамлакат бўйлаб кенг тарқалган ёлғизлик ва ижтимоий изоляция муаммосининг бир қисми ҳисобланади.

Бу мамлакатда айна муаммога қарши курашиш учун 24/7 шаклида фаолият кўрсатадиган ёлғизлик бўйича маслаҳатчиларни тайёрлаш, шу каби маслаҳатлар учун онлайн платформа ишлаб чиқиш чоралари қўлланилмоқда. Эътиборлиси, бундай ташаббусларга қўл ураётган давлатлар сафи эндиликда кенгайиб борапти. Демак, ёлғизлик муаммоси ижтимоий барқарорлик ва мамлакат келажагига жиддий хатар эканини дунё англаб етмоқда. Жамиятда бунга қарши оммавий иммунитетни шакллантиришга интилмоқда.

Бизнинг юртимизда ижтимоий барқарорлик ҳамда ижтимоий адолат тамойиллари асосида асосан ёлғиз, қаровга муҳтож кексаларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ва кам таъминланган, ишсиз қатламни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар бирига давлат ва жамият томонидан эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш қамрови ошиб бораётгани шубҳасиз. Эҳтиёжманд инсонлар ўз муаммолари қаршисида ёлғиз қолмаётгани – бу кучли ижтимоий сиёсатнинг амалий ифодаси. Лекин тўрт мучаси соғ, ташқаридан қараганда турмуш тарзи ҳавас қиларли-ю аслида қалбини ёлғизлик ҳисси кемириб бораётган одамлар ҳам бор. Эҳтимол, улар ёнимиздадир. Балки фарзандимиз ёки бошқа яқин инсонимиз феъл-қўйида шундай ўзгариш юз бераётгандир.

Социолог-олимларимиз, психологлар ва шифокорлар, кенг илмий жамоатчилик мазкур масалага алоҳида диққат қаратиши, ҳаётий ечимларни таклиф этиши, қонун ижодкорлари томонидан эса бу борада ҳуқуқий, институционал ҳамда ташкилий механизмлар такомиллаштирилиши ҳар қачонгидан зарур.

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

МЕНДА САВОЛ БОР

Озода САТТОРОВА, талаба:

— Ўзим Шофиркон туманиданман. Айни пайтда олийгоҳнинг сиртқи бўлимида ўқийман. Ишга кирмоқчи эдим, лекин биласиз, ҳамма ҳам ногиронлиги бўлган одамни ишга қабул қилавермайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ қандай чора-тадбирлар ёки имкониятлар бор?

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ТАДБИРКОРЛАР СУБСИДИЯ ОЛАДИ

Сардорбек ЮСУПОВ, ТДЮУ кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор:

— Айтиш керакки, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаган хусусий секторга давлатимиз томонидан қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йилнинг 1 июлидаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат қилишини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомда қайд этилишича, электрон реестрни юритиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, улар ва иш берувчилар ўртасида алоқа ўрнатиш йўлга қўйилади. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига эса субсидиялар бериш тартиби белгиланади.

Қолаверса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида “Ногиронлиги бўлган шахслар бандлигига кўмаклашиш электрон реестри” ахборот модули юритилади. Бунинг афзаллиги шундаки, реестрда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълими ва меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар сақланади. Бу орқали тадбиркорлар — иш берувчилар учун ўзларига керакли йўналишдаги мутахассислар билан танишиб чиқиш

имкони юзага келади. Шуну ҳам айтиш керакки, иш билан банд бўлишни истаган ногиронларлиги бўлган шахсларни электрон реестрга киритиш “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топширилган аризалар асосида амалга оширилади.

Субсидиялар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ёки уларни ишга қабул қилишда кўмаклашган тадбиркорлик субъектларига уларни камида уч ой давомида расмий иш билан таъминлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаш шартида ажратилади. Шу билан бирга, уларга сурдотаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизматларини ташкил этиш харажатларини қоплаш учун субсидия берилади.

Айтиш керакки, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаган хусусий секторга давлатимиз томонидан қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 1 июлидаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат қилишини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Бу чоралар ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб иш ўринлари яратиш ва уларни жамиятга фаол интеграция қилишга қаратилган муҳим ижтимоий қадамлардир.

Отабек НУРАЛИЕВ, Central Asian Medical университети талабаси:

— Айни пайтда олийгоҳни тугатяпман. Шахсий бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Бироқ ўз маблағим етарли бўлмагани боис, кредит олишим керак. Ёшларга қандай имтиёзлар борлиги ҳақида тўлиқроқ маълумот олишни истардим.

ЁШЛАРНИНГ СТАРТАПЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ

Зухра ШОДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Ёшлар мамлакатимизнинг, жамиятимизнинг келажагини белгилайдиган асосий куч. Шу сабабли уларнинг шахсий ривожланишига қаратилган имкониятлар кундан-кунга такомиллашиб бормоқда. Яқинда ҳукумат томонидан қабул қилинган “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эса бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳужжатда белгиландики, 2025 йил якунига қадар бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини рақамлаштириш бўйича электрон платформа ишлаб чиқилади. 18 га тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон фуқароси ёки ушбу фуқарога тегишли юридик шахс томонидан амалга ошириладиган, янги маҳсулот ёхуд хизмат яратувчи кенг қўламли инновацион ишланмалардан фойдаланган ҳолда 7 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган бизнес лойиҳалар харажати қоплаб берилади.

Мазкур ҳужжатнинг амалга оширилишида Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан бизнес лойиҳаларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Унга кўра, жамғарма маблағлари ҳисобидан



тижорат банки орқали кредитлар бериш, аризаларни кўриб чиқиш ва тижорат банкига молиявий ресурслар ажратиш тартиби, ҳар бир тур бўйича кредитлар ажратишнинг ўзига хос хусусиятлари қамраб олинган. Харажатларнинг бир қисми эса жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Қолаверса, ёшларга чет тилларни ўқитиш бўйича таълим хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 320 бараваригача миқдорда кредитлар ажратиладиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхати тасдиқланган. Масалан, жамғарма маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари рўйхати фаолият турига қараб 100 млн сўмдан 2,5 млрд сўмгача бўлган кредитларни ўз ичига олади.

Бунда юқори муваффақият салоҳиятига эга стартап ётқосини тажриба намунаси даражасига етказиш учун хорижий ва маҳаллий экспертлар, мураббийларни (менторларни) жалб қилиш, бироқ 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда, шунингдек, халқро инкубация ёки акселерация дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ, бироқ 10 минг АҚШ долларидаан ошмайдиган лойиҳаларнинг 50 фоизгача бўлган харажати қопланиши мумкин.

ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

ЭЗГУЛИКЛАРГА – ЭШ,
БУНЁДКОРЛИКЛАРГА – БОШ

Аёллар жамият кўрки, миллат таянчидир. Жонкуяр устоз, моҳир шифокор, фидойи олима, ажойиб тadbиркор–у замонавий ишбилармон опа-сингилларимиз Янги Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётгани қувонарли. Сариосиё туманидаги “Sitora Profession” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Ўзбекистон ХДП аъзоси Ситорахон Ҳакимжонова ҳам ана шундай замондошларимиздан бири.

– Аслида, яхшилик қилиш ва меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос қадриятлардан, – дейди Ситорахон биз билан суҳбатда. – Айниқса, кексалар, ногиронлар ва ўзгалар кўмагига муҳтожларга қилинган амаллар савобларнинг энг улуғи ва энг афзалидир. Шуларни ўйлаган ҳолда ўтган йилнинг баҳорида “Sitora Profession” масъулияти чекланган жамиятига асос солдик. Жамият кўп тармоқли бўлиб, назария билан амалиёт ўйгун олиб борилади. Яъни, ўқув курсимизни битирганлар тикувчилик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехларларимизда фаолиятини давом эттириши мумкин. Tadbirkorlikни йўлга қўйиш истаги борларга беминнат ёрдам берамиз.

Ярим йилда элликдан ортиқ қишлоқ аёллари ўз бизнесини ташкил қилган бўлса, ўн турга яқин қандолат маҳсулотлари ҳамда йигирма турдан зиёд либослардан харидорлар мамнун. Мижозлар сафи кенгаймоқда. Меҳнатга яраша манфаат кўраямиз. Масалан, ўтган йили соф фойда 100 миллион сўмдан ошган бўлса,

жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

Маълумки, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 3 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ана шундай дастуруламал ҳужжат ҳисобланади. Унда тажриба-синов тарикасида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизматини йўлга қўйиш таъкидланган.

Қаҳрамонимиз ташаббуси билан Сариосиёда ана шундай гуруҳ ташкил қилинган қувонарли. Ҳозирги кунда “Юксалиш”да

9 нафар ширинтойлар вояга етаётган бўлса, тез кунларда иккинчи мажмуа ҳам фойдаланишга топширилар экан.

– Яқин-яқингача бу жойлар кўримсиз аҳволда бўларди, – дейди “Шарқ юлдузи” маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтуна Расулова. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Ўзбекистон массиви барпо қилинди. Болажонларимиз учун 6 хонали жой ажратилганидан ниҳоятда хурсандимиз.

Биласизми, Ситорахон ўз-ўзидан бундай улкан ютуқларга эришгани йўқ. Бунинг замирида машаққатли меҳнат ва заҳматли кунлар борлигини яхши биламан. Ана шундай кезларда Сариосиё тумани ва Сурхондарё вилояти ҳокимликлари яқиндан кўмак берди унга. Молия муассасалари қўллаб-қувватлагани муваффақиятлар гарови бўлаяпти.

– Худудда 234 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, 118 минг нафарга яқинини опа-сингилларимиз ташкил қилади, – дейди Сариосиё туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Дилфуза Тошматова. – Уч-тўрт йил олдин кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik билан шуғулланганлар 300 нафарни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 мингдан ортгани бунинг ёрқин ифодасидир. Тикувчилик, касаначилик, қандолатчилик соҳалари билан



бир қаторда, боғдорчилик, асаларичилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик соҳаларига қизиқувчилар кўпаймоқда. Туризм, сайёҳлик каби замонавий йўналишларга асос солинаётгани эса янада қувонарли.

Ситорахон ташаббускор ва янгиликка интилувчан қизларимиздан. Гоҳида унинг жасорат ва шижоатига қойил қоламан. Доим янги ташаббус ва ўзгача ғоялар билан келади. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари яхшиланаяпти. Хитойлик ишбилармонлар билан манфаатли шартнома имзолаш арафасида. Бу эса яқин келажақда “Sitora Profession” маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқишидан далолат беради. Ана шундай фидойи ва ташаббускор қизларимиз сафи кенгайса, албатта, кўзланган эзгу мақсадга тезроқ эришамиз.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида асосан Ёшлар куни муносабати билан бир гуруҳ фаол ва ташаббускор йигит-қизлар “Келажақ бунёдкори” медали билан мукофотланганди. Ана шундай эътибор ва эътирофга сазовор бўлганлар орасида Ситорахон ҳам бор.

– Жорий йил мен учун қувончларга бой бўлди, – давом

этади партиядошимиз ғурур ва ифтихор билан. – Йигирма тўрт ёшда Президент билан учрашиб, юксак мукофотга сазовор бўламан, деб сира ўйламагандим. Юртбошимизнинг “Қизим, сен ҳақингда эшитдим. Ногирон болалар учун хайрли ишлар қилаётган экансан”, деганларида беихтиёр кўзларимга севинч ёшлари келди. Бу менга куч-қувват бахш этди. Масъулиятни оширгани табиий.

Инсон орзулар билан яшайди. Яхшилик қилиш ва муносиб давомчилар қолдиришга ҳаракат қилади. Эзгуликлар бардавом бўлиши учун имконияти чекланган болажонларга мўлжалланган спорт мактаби қурилишини бошлаб юбордик. Эллик ўринли мажмуа жорий йилда фойдаланишга топширилади.

Бунёдкорликларга бош бўлаётган партиядошимиз ютуқлар замирида сабр-бардош, тиришқоқлик ва ҳалол меҳнат мужассамлигини яхши билади. Бу эса минглаб ёшларга илҳом манбаи бўлиши билан бир қаторда, истиқлол дилбандларининг ёрқин йўлларини ҳам белгилаб бераётгани табиий.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

МОЗИЙГА НИГОХ

АНУШТЕГИН
КИМ БЎЛГАН?

Ўрта ва катта ёшли авлод яхши эсласа керак, мактабда ўқиб юрган чоғларимизда Жалолиддин Мангуберди номини дарсликларда учратмаганмиз. Лекин Чингизхонни билардик. Дунёни бир қалқитган Чингизхондан заррача ҳайикмай, унинг қаҳрли нигоҳига ғазаб билан қараб от чоптирган Жалолиддин шахсини яшириш ўша замоннинг зайли эди.



Бугун эса аждодларимиз қанчалар мард, жасур ва закий бўлганини, уларнинг дунё цивилизациясига қўшган бемисл ҳиссасини жаҳон аҳли бирдек тан олиб, эътироф этмоқда. Ҳа, биз Султон Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хўш, Жалолиддиндаги жасорат, ёвдан зарра қадар ҳайиқмаслик хислати ўз-ўзидан пайдо бўлганми?

Тарихий манбалардан кўринадики, ундаги жасурлик аждодлари қонидан ўтган, яъни, суяк сурган. Қуйида Жалолиддин Мангубердининг бобокалони Ануштегин тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жалолиддин Ануштегинийлар сулоласи вакили бўлган. Сулола Ануштегин Гаржойидан ибтидо топган.

Гаржистон - ўрта аср ўлкаси. Бу ўлка Бомбён шахрининг ғарбида, Ҳиротнинг шарқида жойлашган.

Адиб Қамол Матёкубов “Хоразмшоҳлар давлати ва султон Жалолиддин Мангуберди” номли китобида шундай ёзади: “Муаррихлар бу ўлканинг тоғда жойлашганлиги, тоғлар бағрида ғорлар кўп бўлганлиги сабабли унинг Ғоржойи номи билан аталганлигини ҳам эътироф этадилар. Ануштегин ана шу ўлкадан қул қилиб сотиб олинган ва бу ўлка унинг исми-шарифининг бир бўлагига айланган”.

Китобда ёзилишича, муаррихлар Ануштегиннинг туркий миллатга мансуб бўлганини яқдиллик асносида тасдиқлашади.



Ануштегин Гаржойи салжуқийлар саройида 1077 йилдан 1097 йилгача, яъни, йигирма йил хизмат қилган. Таштдорлик (ҳаммом ва ювиниш, ювиш, тоғора ва кўзалар сотиб олиш) ишларига масъул саналган.

1092 йилдан эътиборан Ануштегин ҳам таштдор, ҳам Хоразм ноиб вазифасида фаолият юритган. Бу лавозимга уни салжуқий Маликшоҳ биринчининг ўғли Маҳмуд тайинлаган.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Ануштегин яхши хулқ-атворли, ўзида ғўзал сифатларни жамлаган, илм кишиларини улуғлайдиган, ҳўрмат-эътиборли, садоқатли инсон бўлган. Одамлар унга нима ёрдам сўраб мурожаат қилмасинлар, барчанинг оғирини енгил қилишга интилган.

Ануштегин 1097 йилда оламдан ўтади. Шундан кейин унинг ишларини

ўғли Қутбиддин Муҳаммад давом эттиради. У Хоразмга ноибликка тайинланган, обрўйи ошади. Пировардида унга “Хоразмшоҳ” унвони берилади.

Шу тарихи Ануштегинийлар сулоласи шаклланади. Қутбиддин Муҳаммад ҳам отаси каби давлатни адолат билан бошқаради. Ўз атрофига илми, садоқатли одамларни йиғади. 1128 йилда Қутбиддин Муҳаммад оламдан ўтганидан сўнг Хоразмни ўғли Оловуддин Отсиз идора қилгани тарихдан маълум. Атуштегиннинг невараси Оловиддин Отсиз вафотидан кейин тахтга чиққан ўғли Эл-Арслон, Эл-Арслондан кейин подшоҳ бўлган Султон Такиш даврларида Хоразм ниҳоятда гуллаб-яшнайдди.

Султон Такиш Муҳаммад Хоразмшоҳнинг отаси, Жалолиддин Мангубердининг бобосидир. Шу зайлдаги шон-шўҳрат Султон Жалолиддин Мангубердигача давом этади. Жалолиддин Мангуберди номи эса Чингизхонга қараб қилич қайраган довьорак саркарда, эрксевар ўғлон сифатида асрлар оша мангу яшайди.

Дарахт япроқлари янглиғ инсон авлодлари алмашаверади. Аммо, довьораклик, жасурлик ҳеч қачон унутилмайди.

Юқорида Ануштегин ва унинг авлодлари тўғрисида қисқача сўз юритдик. Ҳали бу мавзуга яна қайтиш ниятимиз бор. Зотан, мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир. Тарихни билмай туриб, келажакка дадил қадам қўя оlmaymиз.

**Комил ХОРАЗМИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.**

ЯНГИЛИК

ИЖТИМОЙ
ХИЗМАТЛАР
СОҲАСИДА ЯНГИ
БОСҚИЧ

Ижтимоий сиёсат, аввало, ёрдамга муҳтож қатлам вакилларининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тизимли ислоҳотлар салмоғи ва самарасида яққол намоён бўлади. Президентимизнинг шу йил 8 майдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар бу йўлдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, ижтимоий хизматлар соҳасини янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ушбу ҳужжатга мувофиқ республикамиз бўйлаб “Фаол ҳаётга қадам” дастури йўлга қўйилди. Ушбу дастур доирасида 18 ёшдан катта бўлган, лекин мустақил ҳаёт кечириш имконияти чекланган шахсларга ваучер асосида бепул ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Улар орасида уй шароитида парвариш ва ёрдам, овқатлантириш, гигиена қоидаларига ёрдам, психологик кўмак ва тўторлик хизматлари бор.

Дастурда назарда тутилган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш харажатларининг бир қисми ваучер асосида қоплаб берилади. Ваучер қиймати ҳукумат томонидан белгиланган миқдорда субсидия шаклида тўланади.

Ваучер бериш ва унинг қийматини тўлаш “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги “Оила ҳамкори” платформаси орқали амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига

кўра, ваучер қуйидагиларга берилади:

уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ҳамда кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати учун:

- **Камбағал оилалар реестри, Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар реестрига киритилган шахсларга;**
- **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олувчи шахс (оила)ларга;**
- **шахсий ёрдамчи хизмати учун:**
- **I гуруҳ ногиронлик белгиланган шахсга;**
- **кўзи ожизлик бўйича бирламчи ногиронлик белгиланган шахсга;**
- **биринчи марта ногиронлар аравачасидан фойдаланиш белгиланган шахсга.**

2025 йил 1 декабрда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ҳузурида ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахслар учун кичик ҳажмли оилавий уйлар ташкил этилади.

УНИВЕРСИАДА- 2025

МЕДАЛЛАРИМИЗ
СОНИ ОШМОҚДА



Ҳақиқат олдида бўйин
эгиш тавбадир, ўзгаси
ғавғодир!

Банда ҳақиқатни
тушуниб эмас, кучланиб,
ожизлиниб бўйин
букадир...

Жазойингиздан кўрқуб
эмас, балки виждоним,
иймоним тазйиқи остида
сўзлайман.

Шахсий бутунлик,
мустақил шахсият қуллик
билан зиддир. Шахсий
бутунлиги бўлмаган,
яъни ўзида ҳақиқатни
ихтиёр қила билиш
кучи тополмаган ожиз,
ихтиёрсиз одамлар
жамият учун фойдалиқ ва
чин ағзо бўла олмаслар.

Нима кўп дунёда, ёмон
кўп, яхши ишни кўра
олмағучилар кўб.

Мен тўғрилиқ орқасида
бош кетса "иҳ" дейдиган
йигит эмасман...
Энди, жисмоний ўлим
менга кўрқинч эмасдир.

Яхши билиш керакки,
қалам – ўқлоғи, матбуот
– кетмон бозори эмас.
Йўсинсиз равишда
хотирага келган ҳар бир
сўздан жумлалар тўқимоқ
фазилят саналмайди. Сўз
– қолип, фикр унинг ичига
қуйилган ғишт бўлсин,
кўпчилик хумдонидан
пишиқ чиққач, янги ҳаёт
айвониغا асос бўлиб
ётсин!..

Мен ҳақиқат йўлида
ҳеч қандай жазодан,
қийноқдан кўрқмайман.
Агар отмоқчи бўлсалар
кўкрагимни кериб
тураман

Ишчи-деҳқонлар ёзғон
асарларимни суюниб
ўқийдилар ва мени
ёзувчилар қаторига
киргаздилар ва мени
ҳамон ўқирлар ва
унутмаслар...

Абдулла ҚОДИРИЙ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Беллашувлар Германиянинг
Бохум, Дуйсбург, Эссен,
Мюльхайм-ан-дер-Рур, Хаген
ва Берлин шаҳарларида давом
этмоқда. Маълумот ўрнида
айтиш керакки, Универсиада
ўйинларида 18 ёшдан 25 ёшгача
бўлган талабалар ва 2024 йили
университетни битирган ёшлар
иштирок этиш ҳуқуқига эга.
Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги матбуот
хизматига кўра, мамлакатимиз
делегацияси таркибида 11 спорт
тури бўйича 54 нафар спортчи-


талаба йигит-қизларимиз бор.
Улар камондан отиш, спорт
гимнастikasi, енгил атлетика,
сугва сакраш, дзюдо, бадий
гимнастика, эшкак эшиш, сузиш,
стол тенниси, таэквондо WT,
теннис каби спорт турларида ўз
куч ва маҳоратларини намоиш
этмоқда.
Универсиада ўйинларининг
дастлабки куни спортчиларимиз
учун муваффақиятли
кечди, дейишимиз мумкин.
Хусусан, улар теннис ҳамда
бадий гимнастика саралаш
баҳсларидан ўтдилар.
Мусобақанинг иккинчи



кунида 15 та спорт тури бўйича
беллашувлар ўтказилди.
Мурасиз кечган баҳсларда
вакилларимиздан Элдорбек
Усмонов 50 метр масофага
баттерфляй усулда сузиш бўйича
ярим финал мусобақаларида
23.31 сония натижани қайд
этиб, финал йўлланмасини
қўлга киритгани қувончли воқеа
бўлди. Финалда эса у кумуш
медалини қўлга киритди.
Бадий гимнастика
бўйича юртимиз шарафини
спортчимиз Тахмина Икромова
муваффақиятли ҳимоя қилди.
У ҳалқада ва тасмада машқ
бажаришда олтин, булава ҳамда
кўпкураш баҳсларида кумуш
медалларига сазовор бўлди.
Шу билан бирга, таэквондо
WT баҳсларида Ўзбекистон
миллий терма жамоаси аъзоси
Шамсиддин Қурбонов 58
килограмгача вазнда рақиб
- покистонлик Мухаммад Тайябни
2:0, нимчорак финалда Туркия
термаси аъзоси Энес Каплани
2:1 ва чорак финалда япониялик
Шоки Асадани 2:0 ҳисобида
ташмин этди ҳамда делегациямиз
ҳисобига бронза медалини
тақдим қилди. Қизларимиздан

Мадина Мирабзалова ҳам
таэквондо WT бўйича ўз вазн
тоифасида бронза медалига
муносиб кўрилди.
Таэквондо WTнинг 74 кг
вазн тоифасидаги баҳсларда
ҳамюртимиз Нажмиддин
Қосимхожиев финалгача етиб
келиб, сўнгги беллашувда
корейлик Сангюн Хюн Кангга
имкониятни бой бериб қўйди
ва кумуш медаль билан
тақдирланди.
Шу тариқа, Ўзбекистон
делегациясининг медаллари
сони 2 та олтин, 4 та кумуш ва 3
та бронза, жами 9 тага етди.
“Универсиада-2025”
мусобақасининг ўтган тўрт куни
яқунига кўра, АҚШ делегацияси
17 та олтин, 9 та кумуш, 17
та бронза медаль жамғариб,
умумжамоа ҳисобида етакчилик
қилмоқда. Хитойлик талабалар
эса жами 10 та олтин, 13 та
кумуш ва 3 та бронза медаль
тўплаган бўлса, Жанубий Корея
ёш спортчилари 10 та олтин, 5
кумуш ва 11 та бронза медаль
билан кучли учлиқдан жой олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.



БУГУННИНГ ГАПИ



АНОМАЛ ИССИҚ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

2090 йилга келиб минтақамизнинг
йирик шаҳарларида, хусусан, Тошкентда
аномал иссиқлик туфайли умумий ўлим
йилгига 10 мингдан 23 минггача етиши
мумкин.
Ушбу хавотирли прогноз яқинда Жаҳон
банк томонидан ўтказилган тадқиқотда
келтирилди. Европа ва Марказий Осиё
минтақасининг (ЕМО) 70 та шахри мисолида
глобал исининг инсонлар ҳаётига ҳамда
мамлакат иқтисодиётига зарарли таъсирини
ўрганган халқаро экспертлар мана
шундай оғир оқибатларни юмшатиш учун
ҳозирданок жиддий киришиш заруратига
урғу бермоқдалар. Зеро, сўнгги йилларда
кузатилаётган экстремал ҳарорат барча
соҳага, айниқса, соғлиқни сақлаш ва
электр таъминотига ортиқча юкламани
ошираётгани, жазирама нафақат сурункали
касалликлари бор кишилар, кексалар ва
болалар, балки барча ёш гуруҳлари учун
хавф туғдираётганига барчамиз гувоҳ бўлиб
турибмиз. Инсониятни қатор мушкулотлар
билан рўбарў қилаётган экологик
хатарлардан бири бўлган глобал исиниш
туфайли ўлим ҳолатлари кузатилаётгани ҳам
факт.
Тўғри, одатда серкуёш заминимизда ёз
чилласи даври, айниқса, июль ойи нисбатан
иссиқ келади. Лекин, юқорида айтганимиздек,
бу паллада жазираманинг кескин даражада
кўтарилаётгани тобора одатий тус олмоқда.

Мана, аини шу кунларда ўлкамизда ҳукм
суриб турган иссиқлик тўлкини, “Ўзидромет”
маълумотларига кўра, 25-29 июль кунларига
қадар ҳам давом этади. Республиканинг
барча ҳудудларида ҳаво ҳарорати кўп йиллик
иклимий меъёрдан 1-3 даража юқори, яъни,
кундуз кунлари 40-43 даражагача, жанубда
ва чўл ҳудудларда 44-45 даражагача
кўтарилиши кузатилмоқда. Тунда ҳам
иссиқлик чекинмаяпти.
Бундай шароитда, энг аввало,
инсонларнинг ўз соғлигига масъуллиги
янада ортиши табиий. Соғлиқни сақлаш
вазирлиги буни назарда тутган ҳолда аҳолига
жазирамадан сақланиш қоидаларини бот-
бот эслатмоқда. Аномал иссиқ таъсиридан
сақланиш учун соат 10:00 дан 17:00 гача
салқин жойларда бўлиш, пахта матоли
либослар ва бош кийим кийиш, қуёшдан
ҳимояловчи кўзойнак тақиш, кун давомида
кўпроқ сув ичиш, кучли овқатлардан
тийилиш, жисмоний ҳаракатни камайтириш
каби бир қарашда оддий, бироқ жуда зарур
бўлган чоралар тавсия этилаётир.
Маълумки, жазирама иссиқ биринчи
галда юрак-қон томир тизимига салбий
таъсир кўрсатади. Бундай пайтда
инсоннинг юрак уриши тезлашиб, қон
босими кўтарилади. Шунингдек, организм
ҳароратни меъёрга сақлаш учун кўпроқ
энергия сарфлайди. Оқибатда инсон кучли
терлайди. Кўп терлаш туфайли танадаги сув
ва туз меъёри бузилади, натижада мушак

хужайраларининг озиқланиши ва тананинг
ишлаши ёмонлашади, юрак-қон томир
хужайраларининг частотаси ошади. Хавфли
ҳолатларда эса назоратни йўқотиш ва талваса
кузатилиши мумкин.
Ҳа, аномал, яъни, ғайритабиий иссиқлик
куруқ ва қуёшли об-ҳаводан ўзимизни
қутқаришга мажбур қилмоқда. Тоғли
ҳудудларда, серсоя қишлоқ жойларда
одамлар учун бу у қадар машаққат туғдирмас,
лекин шаҳар аҳолисига жуда қийин, чунки
улар кундузи ва кечаси иссиқ асфальт
йўллардан ва ўйнинг тош деворларидан
келадиган иссиқ ҳаводан нафас олишга
мажбур.
Дарвоқе, сўзимиз бошида Жаҳон
банк аномал иссиқликнинг салбий
оқибатларини юмшатиш тақлифларини
илгари сургани ҳақида таъкидлаб ўтган
эдик. Экспертларнинг фикрича, минтақамиз,
хусусан, республикамиз шаҳарларида
«яшил» ҳудудларни ва сояли майдонларни
кўпайтириш, бунинг учун дарахтлар
экиш, биноларни пассив совутиш учун
модернизация қилиш, аҳолини эрта
огоҳлантириш тизимларини яратиш ва
соғлиқни сақлаш тизимлари фаолиятини
яхшилаш, «совутиш» марказларини ташкил
этиш, асосийси, шаҳар инфратузилмасини
режалаштиришда об-ҳаво аномалияларини
ҳисобга олиш сув ва ҳаводек зарур бўлиб
қолмоқда.

Интернет манбалари асосида
тайёрланди.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 737. 1635 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.